

## ТАДБИРКОР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ВА ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРҲИ

Лойиханинг кискача мазмуни:	
Лойиха ташаббускори:	
Тадбиркор (Паспорт маълумотлари):	
Корхонанинг рўйхатдан ўтган санаси	
Корхонанинг фаолият манзили:	
Лойиханинг асосий мақсади:	
<b>Лойиха маълумотлари</b>	
Лойиха суммаси:	300 000 000 сўм
Шахсий маблағлари ҳисобидан	300 000 000 сўм
Яратиладиган янги иш ўринлари сони	7 та
<b>Лойиханинг самарадорлик кўрсаткичлари</b>	
Соф жорий қиймат (NPV), сўмда	1 191 250 000
Ҳозирги қиймати (FCF), сўмда	300 000 000
Ҳозирги қиймати (TV), сўмда	300 000 000
Тўла оқлаш муддати (PP), йил	3,2
Дисконт оқлаш муддати (DPP), йил	3,1
Ички даромад даражаси (IRR), %	36,74%
<b>Асосий фаолият кўрсаткичлари</b>	
Соф пул оқими	4 765 000 000 сўм
Жамланган соф фойда	2 565 374 240 сўм
Лойиха рентабиллиги	53,8%

## КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига *“бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли ҳуқуқий – демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиши”*дек олий мақсадни кўзлаб, ўзининг янги тараққиёт йўлини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 мартдаги “2017 — 2019-йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 450-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-такомилларини янада соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4933-сонли, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорларини келтиришимиз мумкин.

Ҳаттоки, Президентимиз ташаббуси билан давлатимизда ижтимоий сиёсатни кўзлаб, йилларнинг алоҳида номланиши, 2017-йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», 2018-йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” ва 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”деб номланиши, йилларнинг алоҳида номланиши орқали махсус давлат дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш, мамлакатимизда, шу жумладан қишлоқларда аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг нақадар тўғри эканлигини тан олган Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат тажрибасини биздан кўриб ўз мамлакатларида қўллаётганлиги, бу масалаларга яқин йиллардан бошлаб эътибор берилаётганлиги ва иш олиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

Дунёнинг кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа бу бойликни янада кўпайтириш, асраб-авайлаш, ўзини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда ҳимоялаш учун астойдил жон куйдиради. Туристик хизматлар кўрсатиш фаолияти ҳам бошқа барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонларга суянгандагина тараққий этади.

Энг муҳими, бу амалга оширилаётган ишлар бир-бирини тўлдириб, Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига қўйган олий мақсад яъни ***“бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”*** борасида узоқни кўзлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, барқарорлигини ва тараққиётини таъминламоқда.

## **ЛОЙИХАНИНГ ТАВСИФИ**

Ушбу бўлимда лойиҳа ҳақидаги батафсил тўхталиб ўтилади. Жумладан, лойиҳанинг самарадорлиги, танланишининг асосий сабаблари ва параметрлари ва лойиҳанинг қисқача мазмуни ҳақида маълумот берилади.

Лойиҳанинг асосий мақсади ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, юртимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, бўш иш ўринларини яратиш, Самарқанд вилоятида экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли эҳтиёжини имкон қадар қондиришда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ташкил этиш ҳисобланади. Лойиҳа ташаббускор Хамидова Дилором (кейинги ўринларда «ташаббускор») томонидан ишлаб чиқилган. Ташаббускор ушбу лойиҳани Окдарё тумани ҳудудида жойлашган бўш турган 8,0 гектар ер майдони амалга оширишни режалаштирган. Ташаббускор ушбу ер майдонининг 5,0 гектар қисмида павлония тез ўсувчи дарахт новдаларини экиш, 1,5 гектар қисмида узум етиштириш, 1,0 гектар қисмида олма интенсив боғи ва 0,5 гектар қисмида туяқуш фермасини ташкил этишни назарда тутди.

Лойиха Республика иктисодий ривожлантириш талабларига жавоб беради.

-Ишлаб чиқариш даражасини кўпайтириш, тизимли ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

-Ички бозор талабларини кондириш;

-Аҳолини кўшимча иш ўринлари билан таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш, аҳолии даромад фоизини кўпайтириш;

-Чиқарилаётган маҳсулотни экспортга йуналтириш;

Лойиха амалга оширилиши натижасида аҳолини иш билан таъминлаш, экспортни ривожлантириш, тадбиркорлик тармоқларини янада кенгайтиришг эришилади.

### *Лойиханинг устуворлиги ва фойдаси*

Тадбиркор ўз малака ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ушбу маҳсулотларга булган талабни имкон қадар кондириш учун маҳсулотлар ҳажмини ошириш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йулга қуйиш учун ушбу лойиха ишлаб чиқилди.

Лойиха жами умимий қиймати **300,0 (уч юз) млн. сўм** бўлиб, шундан:

- ❖ Парандачилик (туяқуш) фаолиятини ташкил қилиш учун қурилиш ишларини ташкил қилиш учун – 100,0 млн. сўм;
- ❖ Туяқушлар сотиб олиш учун – 40,0 млн. сўм.
- ❖ Павлония кўчатларини сотиб олиш учун – 25,0 млн. сўм;
- ❖ Узум кўчатларини сотиб олиш учун – 5,0 млн. сўм;
- ❖ Олма новдаларини сотиб олиш учун – 1,3 млн. сўм;
- ❖ Минерал ва ўғитлар сотиб олиш учун – 50,0 млн. сўм;
- ❖ Кўчатларни ўтказиш ва пайвадлаш ишларини учун – 10,0 млн. сўм;
- ❖ Бошқа харажатлар – 68,7 млн. сўм.

Лойиханинг биринчи йилларида айланма маблағларни тўлдириш учун – 5,0 млн. сўм.

Ушбу лойихани амалга ошириш учун ташаббускор шахсий маблағларидан фойдаланади.



- Шахсий маблағлари ҳисобидан – 300,0 млн. сўм;
- Лойининг тўла оқлаш муддати – 60 ой;

Лойиҳанинг инвестицион самарадорлик интеграл кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Кўрсаткичлар	Қиймати
Оқлаш муддати	2020 – 2025 й.
Дисконтлаш ставкаси	13,6%
Соф тушум	
• Лойиҳанинг 1-йилида	1,56 млрд. сўм
• Лойиҳанинг 5-йилида	8,92 млрд. сўм
Оддий қоплаш муддати	60 мес.
Дисконт қоплаш муддати	72 мес.
Ички даромад даражаси	
• 1-йил ҳисобидан	6,62%
• 5-йил ҳисобидан	18,88%

Лойиҳанинг умуминвестицион харажатлари қуйидаги жадвалда келтириб ўтилган:

Бажариладиган ишлар	Сони (дона)	Умумий қиймати
Қурилиш ишлари учун	Комплект	100 000 000
Павлония кўчатларини сотиб олиш учун	2500	25 000 000
Узум кўчатларини сотиб олиш учун	1650	5 000 000
Олма кўчатларини сотиб олиш учун	320	1 300 000
Туяқуш сотиб олиш учун	20	40 000 000
Кўчатларни ўтказиш ишлари учун	Комплект	5 500 000
Минераллаш ва ўғитлаш ишлари учун	Комплект	50 000 000
Пайвандлаш ишлари учун	Комплект	4 500 000
Айланма маблағлар учун		5 000 000
Сув билан таъминлаш харажатлари	Комплект	60 000 000

Бошқа кўзда тутилмаган харажатлар	Комплект	8 700 000
<b>ЖАМИ</b>		<b>300 000 000</b>

Лойиҳани молиялаштириш манбалари эса қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

Номланиши	Жами харажат	Кредит ҳисобидан	Шахсий маблағ ҳисобидан
Қурилиш ишлари учун	100 000 000	0	100 000 000
Павлония кўчатларини сотиб олиш учун	25 000 000	0	25 000 000
Узум кўчатларини сотиб олиш учун	5 000 000	0	5 000 000
Олма кўчатларини сотиб олиш учун	1 300 000	0	1 300 000
Туяқуш сотиб олиш учун	40 000 000	0	40 000 000
Кўчатларни ўтқазиб ишлари учун	5 500 000	0	5 500 000
Минераллаш ва ўғитлаш ишлари учун	50 000 000	0	50 000 000
Пайвандлаш ишлари учун	4 500 000	0	4 500 000
Айланма маблағлар учун	5 000 000	0	5 000 000
Сув билан таъминлаш харажатлари	60 000 000	0	60 000 000
Бошқа кўзда тутилмаган харажатлар	8 700 000	0	8 700 000
<b>Жами</b>		<b>0</b>	<b>300 000 000</b>
<b>Ялли инвестицион харажат</b>			<b>300 000 000</b>
<i>Харажатларни молиявий манбаалари</i>			
<i>Кредит маблағлари ҳисобидан хариди режаслаштирилган мулк</i>		<i>0%</i>	<i>0</i>
<i>Шахсий маблағ ҳисобидан хариди режаслаштирилган мулк</i>		<i>100%</i>	<i>300 000 000</i>

## ТАШАББУСКОР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ташаббускор Ф.И.Ш	Хамидова Дилором Зубайдуллаевни
Яшаш манзили	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Т.Зехний кўчаси
Туғилган йили	18.02.1963 й.

Ташаббускор “SUHROB CHORVA DALASI” фермер хўжалигининг раиси ҳисобланади. Оқдарё туман ҳокимининг қарорига асосан узумчилик фаолиятини ташкил этиш учун “SUHROB CHORVA DALASI” фермер хўжалигига 17,9 гектар ер майдони ажратилган. Бугунги кунда ташаббускор боғдорчилик фаолиятини ташкил этган бўлиб, келажакда кўп тармоқли кластер тизимли фермер хўжалигини ташкил қилишни режалаштирган. Шу муносабат билан ташаббускор юқорида кўрсатилган лойиҳалрни ташкил этишни назарда тутди.

Ташаббускор лойиҳанинг биринчи босқичида туяқушлар учун бинолар ва девор қурилиш ишларини, кўчатларни ўтказиш учун ер масаласи билан боғлиқ ишларни амалга оширади. Қурилиш давомида тадбиркор туяқушлар ва керакли кўчатлар сотиб олади.

Ташаббускор томонидан ушбу лойиҳани амалга оширишда тадбиркорга ажратилган 17,9 гектар ер майдонининг 8,0 гектар қисмида амалга оширишни кўзда тутди.

### ЛОЙИҲАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Лойиҳа Республика иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш талабларига жавоб беради. Яъни:

- Аҳоли бандлигини таъминлаш;
- Аҳоли даромадини кўпайтириш ;
- Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш;
- Оқдарё туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш;

Лойиҳа амалга оширилиши натижасида аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадини кўпайтириш, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш,

тадбиркорлик тармоқларини янада кенгайтиришига эришилади. Ташаббускор буларни асосий мақсади ва вазифалари этиб белгилаган.

Ўзбекистон Республикасининг, хусусан Самарканд вилоятида ишлаб чиқариш корхоналари кенг тус олиб, ривожланиб келаётган вилоятлардан биридир. Табдиркор томонидан бугунги кун талабларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ёғоч етиштириш фаолиятини ташкил этиш ва бозор талабини ўрганиб чиқиб, ушбу маҳсулотларга бўлган талабни имкон қадар қондириш учун маҳсулот турлари ва савдо ҳажмини ошириш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини йулга куйиш учун ушбу лойиха ишлаб чиқилди.

Ташаббускор томонидан олиб борилган изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва ёғочга булган эҳтиёжининг кучайиб бораётгани аниқланган. Инсон ҳаётини ушбу маҳсулотларисиз тассавур қилиш қийин. Мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда аҳолини талаби даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни арзон нархларда истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларга етказиб бериш.

Тажриба шуни курсатмоқдаки, ишлаб чиқариш даражаси юқори булганлиги сабабли ва таъминотда узилиш булмаганлигидан доимий харидорларни сони кундан-кун ортиб бормоқда. Бозорнинг ички худудида эгалланган мавқеини мустахкамлаш ва кенгайтириш мақсадида табдиркор асосий эътиборни юқори сифатли озиқ-овқат ва ёғоч маҳсулотлари билан таъминлашга ва ўз маҳсулотига бошқа ишлаб чиқарувчиларга нисбатан пастроқ устама баҳоларни қўллаш эвазига сотиш баҳоларини тушириш ва бошқа шу каби омилларни ўзининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

## **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

---

*Олма кўчатларни экишга тайёрлаш ва экиш.* Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрга 6-10 кг гўнг, чиринди, 200-250 г



фосфор, 100-120 г калий ва 150-200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чуқур (25-30 см) ҳайдалади.

Олмани пайвандтагларига қараб экиш схемаси ўзгаради: кучли ўсувчи пайвандтагда – 6×5 м (суғориладиган бўз тупроқларда) ва 5×5 м (шағалли-қумлик тупроқларда), ўрта бўйли пайвандтагда 5×4 м, паст бўйли пайвандтагда – 3×2,5 м. Бу ерда 3 м – кўчат қаторлари орасидаги масофа, 2,5 м – кўчатлар орасидаги масофа. Олма кўчатларини экиш муддати кузда ноябрь ойига, эрта баҳорда эса февралнинг охири-март ойининг бошларига тўғри келади.

Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлган чуқурчалар қовланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмини 20-25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Ўрага 350-400 г фосфор, 30-40 г калий ўғити ҳамда 8-10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади. Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатни пайванд қилинган жойи тупроқдан 4-5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қўйилади. Шунда тупроқ зичланиб, ниҳол яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига янги тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Томорқа майдони 0,03 га бўлса, ушбу майдоннинг қуёш тушадиган шарқдан жанубга қараган томонига олманинг ўрта бўйли эртаки, ўртаки ва кечки навларидан 2-3 тупдан экиш тавсия қилинади. Томорқа майдони 0,06 га бўлса, ярмига сабзавот, қолган қисмига эса мевали дарахтлар, 0,10 га бўлганда сабзавот учун майдон қолдириб, қолган каттароқ қисмига мевали кўчатларни жойлаштириш мумкин.

**Парваришлаш.** Дарахтларга баҳорда ярусли (қаватли) қилиб шакл берилади. Бунда дарахтнинг биринчи қаватида 3-4 дона асосий шох қолдирилади, қолганлари қирқиб ташланади. Иккинчи қават шохлари асосий шохлардан 30-40 см, биринчи қават шохларидан 25-30 см масофада қолдирилади. Учинчи қават шохлари ҳам шу

зайлда шакллантирилади. Шакл беришда шох-шаббаларнинг бир-бирига соя беришини олди олиниб, бир маромда сийраклаштирилади.

Дарахт ҳосил қилмайдиган йилида буташ тизими қуйидагича амалга оширилади: шу йили ўсиб чиққан новдалар кучлироқ калталаштирилади, халқасимон мева шохлари сийраклаштирилади, мураккаб халқасимон шохлар калталаштирилади. Дарахтлар ҳосил берган йили новдалар 35-40 см ўсган эски шохларига тақаб қирқилади. Бир йиллик новдаларни қисқартириш ҳосил куртакларини кўпайишига олиб келади.

Томорқадаги олма дарахтларига 300-350 г азотли, 250-300 г фосфорли ва 200-250 г калийли ўғитлар соф ҳолда солиниши тавсия қилинади. Ҳар 2-3 йилда ўртача 50-60 кг чириган гўнг солиш ҳосилдорликни оширади.

Бўз тупроқларда олма дарахтлари ўсув даври мобайнида 4-6 марта, шағалли ерларда 10-12 мартаба суғорилади.

**Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.** Олма дарахтига зараркунандалардан олма қурти (мевахўр), мева канаси, бинафша ранг қалқондор, касалликлардан ун шудринг, калмараз (парша), монилиоз зарар келтиради.

Бинафша ранг қалқондорга қарши эрта баҳорда куртаклар ёзилгунга қадар 5 фоизли Каратэ эм. к. пуркалади. Бундан ташқари, 17,5 фоизли Перфекто сус. к., 20 фоизли Багира эм. к. (10 сотих майдон ҳисобига 15-20 мл) препаратлари билан ишлов берилади.

Олма қуртига қарши 17,5 фоизли Перфекто сус. к. (10 сотих майдон ҳисобига 15-20 мл), 5 фоизли Каратэ эм. к. (10 л сувга 3-4 г) қўлланилганда яхши самара беради.

Мева канасига қарши 17,5 фоизли Перфекто сус. к. (10 сотих майдон ҳисобига 15-20 мл) пуркалади.

Олманинг калмараз (парша), монилиоз касалликларига қарши Бордо суюқлигининг 3 фоизли (10 л сувга 300 г мис купороси + 300 г сўндирилмаган оҳак) эритмаси сепилади. Касалликларга қарши тадбирлар дори воситалари куртаклар ёзилгунга қадар ўтказилади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Олма навларининг пишиш муддати май ойининг охирларидан бошланиб, октябрь ойининг бошларигача давом этади. Одатда, эртаки

олмалар қисқа муддат сақланади, улар бир теримда йиғиштириб олинади. Ўртаки ва кечки навларда терим бир неча марта ўтказилади. Ҳар бир нав пишган пайтида ўзига хос ранг ва тусга киради. Буни ҳосилни теришда инобатга олиш керак. Ҳосилни йиғиштиришда мевани бир қўл билан оҳиста ушлаб, мева бандига зарар етказмасдан узиб олинади. Терилган мевалар яшикларга жойлаштирилади. Яшиклар омборда сақлашга қўйилиши мумкин.

**Токзор учун тупроқ шароитлари.** Ток тупроқ шароитларин нисбатан кам талаб қиладиган ўсимлик. У кучли шўрланган ва ботқоқланган тупроқдан ташқари Ўзбекистоннинг ҳамма тупроқларида ўсади. Шунинг билан биргаликда ток тупроқ шароитларидан бир мунча таъсирланади. Ток учун енгил қумоқлар яроқлидир. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг қумли тупроқларида ток яхши ўсиб мўл ҳосил беради. Тупроқ остида шағал (40-50 см) бўлганда ток экиш мумкин, лекин бунда керакли технология қўллаш (тез-тез суғориш, сидерат ўтларни ўстириш, кўп миқдорда минерал ўғитларни қўллаш ва б.) зарур. Тошлоқ ва дағалскелет тупроқларда ўстирилган узундан гўзал сифатли мусалласлар олиш мумкин. Тош, шағал, дренаж, тупроқда ҳаво алмашишини яхшилади. Бундай тупроқларда узун тез етилади ва кўп қант тўплайди. Дарё водийларнинг бўз ва ўтлоқ тупроқлари ток экиш учун тўлиқ яроқлидир. Тупроқнинг кимёвий таркиби узун ҳосили ва унинг сифатига катта таъсир қиладди. Ток ўсимлигига етарли миқдорда азот, фосфор ва калий зарур. Токнинг баъзи навлари калцийнинг эриган шакллари 15-20% ошиб кетганда ток ёмон ўсиб хлороз билан касалланади. Кучсиз кислоталилик ва нейтрал тупроқларда (РН-5,5-6,5) ток яхши ўсади. РН 5 дан кам бўлганда ток қаноатли ўсади, РН 8 дан ошиб кетганда ўсиш сустлашиб хлороз пайдо бўлади.

**Ток кўчатини ўтказиш қалинлиги.** Ўсимликларни ўтказиш қалинлиги тупларнинг яхши ўсиши ва мева қилиш учун қулай шароит яратиш ва тупроққа ишлов бериш, тупларни кўмиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш билан боғлиқ барча жараёнларни комплекс механизациялашга имкон бериши керак. Ўтказиш қалинлиги тупроқ-иқлим шароитига, маълум новдаги тупларнинг ўсиш кучига, шунингдек ўстириш системасига боғлиқ. Тупроқ қанчалик унумдор ва туплар қанчалик кучли бўлса, озикланиш майдони шунчалик катта бўлади.



Унумсиз тупроқларда (шағалли, қумли ва бошқалар) ток кучсиз ўсади, озикланиш майдони ҳам кичик бўлади. Тавсия этилаётган ток кўчатларини ўтказиш схемаси мавжуд машина ва механизмлардан самарали фойдаланишга имкон беради.

Ток ўстириш ва устунлар ўрнатиш усули. Табиий шароитдан тўлиқ фойдаланиш ва майдон бирлигидан юқори ҳосил олиш учун тоқларни парваришлашни максимал механизациялашда тоқларни ўстиришнинг турли тизимлари қўлланилади. Бунда ўсиш шароити, хусусияти ва олинадиган маҳсулотдан қайси мақсадда фойдаланиш ҳисобга олинади. Ўсиш кучи турлича бўлган техник навларни, ўртача ўсадиган кишмиш ва хўраки навлар, шунингдек лалми ерларда ўстириладиган тоқларни тик симбағазда, кучли ўсувчи, хўраки ва кишмиш навларни қайирма симбағазда ўстириш керак. Ўстириш тизимига кўра ток тупларини шакллантириш учун ўтказилганининг иккинчи йили устун ўрнатилиши яъни (шпалер) ўрнатилиши зарур. Темир-бетон устунлар узок хизмат қилади ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Ёғоч устунларни акациядан яшаш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларни темир-бетон асосга ўрнатиш зарур, бу уларнинг мустаҳкамлигини оширади.

**Тик симбағаз** – Симбағазни яшаш учун даставвал қатор четларига устунлар ўрнатилади, уларнинг кесими оралиқ устунлар кесимидан каттароқ бўлиши керак. 3 м узунликдаги оралиқ устунлар тоқзор қатори бўйлаб бир-биридан 8 м масофада ўрнатилади. Четки устунлар охириги тупдан туплар орасидаги масофанинг ярмига тенг масофада ўрнатилади ва улар қатор ичидан темир-бетон тиргач билан ёки ташқи томонидан лангар қўйиб маҳкамланади. Тортиладиган симларнинг миқдори тупнинг ўсиш кучига боғлиқ ва суғориладиган тоқзорларда тўрт-беш. Лалмикор ерлардаги тоқзорларда уч-тўрт қатор бўлиши мумкин. Симбағазни ўрнатиш учун 2,5-3,0 м.ли рухланган симдан фойдаланилади. Пастки қатордаги биринчи сим ер юзасида 50-60 см баланликда, иккинчи ва кейингилари бир-биридан 40-50 см масофада тортилади.

**Қайирма симбағаз**- Текисликка эга бироз қиялатилган тик ва горизонтал бўлади. Ҳар бир қатордаги туплар шпалернинг қайирмаси бўлиб, бир йўналишда жойлаштирилади. Четки ва оралиқ устунлар ўрнатиш, уларни маҳкамлаш, хиёбонлар яратиш ва сим тортиш тик симбағаздаги каби амалга оширилади. Сўнгра қайирма қўйилади. У 6-8 см диаметрли рейка ёки симдан ясалади.

Рейканинг бир учи симбағазнинг ҳар бир устунига 12-150 бурчак остида маҳкамланиб, қатор орасидан ўтказилади ва қўшни қатордаги қарама-қарши устуннинг юқори қисмига маҳкамланади. Симбағаз тик қисмидан 40-50 см масофада биринчи сим, сўнгра худди ўша масофада иккинчи ва учинчи сим тортилади. Қайирма симбағаз орасининг учдан икки қисмини эгаллайди, қолган қисми ток туплари яхшироқ ёритилиши ва шамоллатилиши учун бўш қолдирилади. Ток ўстиришнинг барча тизимларида катаклар ва кварталлар орасидаги йўллардан хиёбон барпо этиш учун фойдаланиш тоқдан қўшимча ҳосил олишга имкон беради. Бунинг учун ҳар бир қаторнинг бошида ва охирида узун устунлар тупроқ юзасидан 3,5-4,0 м баландликда ўрнатилади. Устунларнинг учки қисми бир-бирига диаметри 4 мм.ли сим билан уланади, унинг устидан йўл йўналиши бўйлаб бир-биридан 40-50 см масофада бир неча қатор сим тортилади. Ёш ва ҳосилга кирган токзорларда устунларни баҳор ва ёзда ўрнатиш мумкин, лекин симларни куз ва қишда торган маъқул, чунки баҳорда ва ёзда кўк новдалар, тўпгул ва узум бошларига зарар этиши мумкин.

**Павловния** — дунёдаги энг тез ўсувчи дарахт сифатида тан олинган. Император дарахти, Малика дарахти, Кири, Танг номлари билан машҳур бу дарахтнинг асл ватани Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё ҳисобланади. Асосан Хитой ва Японияда кенг тарқалган бўлиб, Хитойда қарийб 2,5 миллион гектар майдонда ўстирилади.

Саноат маҳсулоти сифатида павловния Хитой, Япония, Тайвань, Корея, Шимолий Америка, Бразилия ва Австралияда кўпдан бери қўлланиб келинади. Японияда павловния дарахти ёғочга бўлган талабнинг 90 фоизини таъминлайди. Кунчиқар юртда ундан фанер ва мебель, қутилар, шунингдек, пойабзал ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Доимий равишда биоёқилғилар учун талабнинг жадал ошиб боришини инобатга олиб, яқин келажакда марказий Европа давлатларининг ўз ўрмон ресурслари етмайди. Шунинг учун Германия, Голландия, Буюкбритания, Испания ва бошқа давлатлар катта миқдорда пилет сотиб олишни режалаштирмоқда. Ҳозирги кунда технологик ривожланиш - табиатни ҳимоя қилиш экологияни яхшилаш томон йўналтирилмоқда. Ҳамма диққатини қайта тикланувчи био



ёқилғиларга яъни тез ва кўп ёқилғи - энергия берувчи ўсимликларга қаратилмоқда . Павловнияни ёқилғи сифатида фойдаланишни кўп яхши томонлари мавжуд. Биринчидан, тез ўсиб кўп биомасса беради. Иккинчидан, ёнганда захарли тутинларни жуда кам чиқаради. Учинчидан, павлонияни ҳар йили қайта - қайта экиш шарт эмас. Павловнияни ёқилғи сифатида саноатда ишлатилишидан ташқари уйларни пилет сифатида автоматлашган иситиш тизимларида ( девор печкалари ) ишлатилиши мумкин. Павловния пилетларидан уй - жойни иситувчи қозонларга ёқишдан ташқари электростансияларга, иссиқхоналарда ва кўплаб иситиш мақсадлари учун ёқилғи сифатида фойдалиниш мумкин. Бунда павловния дарахтининг танаси, шохлари ва барглари ишлатилади.

Павловния дарахти яна биогаз олиш учун экилиши ҳам истиқболли ишлардан ҳисобланади . Павловния баргларининг катталиги ҳисобига кўпроқ биогаз бериш хусусиятига эга. Бу павловния баргларининг бошқа биогаз учун ишлатиладиган ўсимликлардан афзаллиги ҳисобланади.

Павловния ҳозирги кунларда кўпроқ биоэтанол ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида экилмоқда. Ҳозирги кунда Америкалик олимлар термо-кимёвий ва биотехнологик усулда 1 тонна павловния қуруқ ёғочидан 511л биоэтанол олишга эришишди. Фақат биргина сабаби билан павловнияни нефт қудуғи деб ҳам аташади. Тез ўсувчи дарахлардан плантацияларни инновацион технологиялар асосида барпо қилиш, павловния плантацияларини ташкил этиш иқтисодиётнинг энергия ресурсларини тежаш ва атроф муҳитни ҳимоя қилишни экологик ечимларидан бири ҳисобланади .

**Туяқушлар** гўшти дунё озиқ-овқат бозорида мазали ва холестерини кам, парҳезбop маҳсулот сифатида қадрланади.

Унинг терисидан қимматбаҳо кийимлар, қўлқоп, поябзал, ҳамён ва сумкалар тикилса, тирноғидан бриллиант ва олмосни тозалайдиган қуқун, патидан эса пар ёстиқлар тайёрланади. Шунингдек, юмшоқ мебелларни қоплашда қимматбаҳо хомашё сифатида фойдаланилади.

12-14 ойлик туяқушнинг вазни 100-120 килограммгача бўлиб, ундан 20-25 килограмм лаҳм гўшт, 1,2-1,8 метр квадрат тери олинади. Замонавий тиббиётда унинг пай томирини инсон а`зосига трансплантация қилишда кенг қўлланилмоқда.

Мутахассисларнинг та`кидлашича, туяқуш 4 йилда репродуктив ёшга етади ва паррандачиликда бундай қушлар “Бридер” деб юритилади. Уларнинг ўртача тухум қўйиш ёши 10-15 йил, зотдор туяқушлар 40 йил давомида тухум қўяверади. Битта туяқуш 10-12 йил давомида қўйган тухумдан чиққан жўжа гўшти ўртача 72 тоннага етиши мумкин.

Туяқуш 70 йилгача умр кўриши мутахассислар томонидан кузатилган. Катта ёшдаги туяқушнинг бўйи 2,7 метр, вазни 150 килограммдан ортиқ бўлади. Бир туяқуш оиласи 1 мавсум – 10 ой давомида 80-100 тагача жўжа очиши мумкин.

Та`кидлаш жоизки, 1 бош туяқушдан 40-45 фоизгача гўшт олинади. Бу йирик ва майда шохли моллар, ҳатто бошқа паррандалар гўшtidан ҳам кўпдир.

Дунё бозорида туяқуш гўштининг ўртача нархи 12-15 евро, ишлов берилмаган хом териси 60 еврони ташкил этади. Совуқ ва ўртача иқлимда етиштирилган туяқуш патининг сифати иссиқ иқлимдагисига нисбатан арзон баҳоланади. Лекин бу ҳам бошқа саноат даражасида етиштирилаётган парранда патидан қимматдир.


## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Ушбу бўлимда хизмат кўрсатишнинг ойлик ва йиллик режаси билан батафсил таништириб ўтилади. Жумладан ишлаб чиқариш қуввати, хизмат кўрсатишда тушган йиллик тушум билан танишамиз. Лойиҳа 4-йилда тўла қувватда фаолият олиб боради. Лойиҳанинг ишлаб чиқариш режасини 100% қувватда ҳисоблаб чиқамиз. Бунда:

### Йиллик режа

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Бир йилда етиштириладиган маҳсулот сони
Туяқуш гўшти	Кг	1600
Олма	Кг	35 000
Узум	Кг	15 000
Ёғоч қуруқ массаси	кг	17500

Лойиҳанинг йиллар кесимидаги ишлаб чиқариш қувватининг ўсиб бориш графиги:



Ташаббускор томонидан ишлаб чиқариш қувватлари йиллар давомида ўсиб бориши ва 4-йилда тўлиқ қувватда фаолият юритиши назарда тутилаган. Лойиҳанинг ишлаб чиқариш жараёни песимистик ҳолатда кўрсатилган.

Лойиҳанинг йиллар давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар режаси

Номланиши	Ўлчов бирлиги	1-йилда	2-йилда	3-йилда	4-йилда	5-йилда
Туяқуш гўшти	Кг	1600	1600	1600	1600	1600
Олма	Кг	17 500	24 500	29 750	35 000	35 000
Узум	Кг	7500	10 500	12 750	15 000	15 000
Ёғоч	Куб	-	-	-	1000	1000

## МАҲСУЛОТЛАР ТАННАРХИ

Ушбу бўлимда 100 % тўла қувватда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи билан танишамиз. Жумладан:

Туяқуш гўштинини етиштиришининг йиллик озуқа харажатлари:

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
Ем харажатлари	дона	20	2 000 000	40 000 000
<b>Жами харажатлар</b>				<b>40 000 000</b>

Олма ва узум етиштиришнинг йиллик харажатлари:

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
Дорилаш, минерал ва ўғитлаш харажатлари	комплект	2,5	25 000 000	62 500 000
<b>Жами харажатлар</b>				<b>62 500 000</b>

## ЛОЙИХАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

Ишлаб чиқариш фаолиятининг, хусусан лойиҳада кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг муваффақиятли амалга ошиши кўп жihatдан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолининг яхшилиги ва турмуш фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Аҳоли турмуш фаровонлиги эса Республиканинг, хусусан минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги тармоғида аҳолига ва ташкилотларига савдо хизматларини курсатиш, халқ истеъмоли маҳсулотлари етказиб бериш етакчи уринларни эгаллайди. Республикамизнинг иқтисодиётида Самарканд вилоятининг жумладан Оқдарё туманининг ҳам улуши салмоқлидир.

Тадбиркор томонидан олиб борилган маркетинг изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида истеъмол товарларига булган талаб ошиб бораётганлиги, бугунги кунда халқ истеъмол товарларига булган талаб юкори эканлиги аниқланди ва тадбиркор мавжуд талабдан келиб чиққан холда аҳолини талаби даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни арзон нархларда истеъмолчиларга етказиб беришни уз олдиға мақсад килиб куйди.

## МАРКЕТИНГ МАЖМУИ «4P»

<b>Produkt-Махсулот</b> Сифатли хизмат кўрсатиш	<b>Price-нарх</b> Нарх қўйиш тамойили харидорларнинг талабидан келиб чиқиб белгиланади.
<b>Place-Жой</b> Бизнес худуд-корхона Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилдан Ўзбекистон буйлаб махсулот етказиш имконияти мавжуд.	<b>Promotion -Ҳаракатланиш</b> Тадбиркор ўз пештахта, афишалар, телевидения оркали реклама ва Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг расмий веб сайтидан электрон тармоғлар оркали мижозни ўзига жалб этади.

### БОЗОР ТАЛАБИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида аҳолининг ушбу ушбу махсулотларга бўлган талабга айтилади. Ушбу хизмат кўрсатишга эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлиши худуддаги ижтимоий аҳволнинг яхшиланиб бориши ва аҳоли даромадларининг ўсишига ҳамда хорижий меҳмонларни ушбу мамлакатга бўлган қизиқишига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда арзон нархли ва сифатли ишлаб чиқариш талаб катта.

#### **Потенциал талабга куйидаги омиллар ўз таъсирини утказди:**

1) Бозорда таклифнинг талабдан кам булиши (хизмат дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, аҳолининг дефицитга айланган хизматга эътибори ва интилиши ошишига олиб келади.

2) Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий аҳволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб булади.

3) Ижтимоий сиёсат – ижтимоий ҳимоянинг яхшиланиши ва ижтимоий мухитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қилади.

4) Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.



5) Юқоридаги омилларга ухшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иқтисодий танглик ва мафқуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор ҳолатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий офатлар ҳам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

## **РАҚОБАТБАРДОШЛИКЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА РАҚОБАТ СИЁСАТИНИ АНИҚЛАШ**

Корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш учун нархларни нисбатан пасайтириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолининг ҳар қандай талабига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишни режалаштирган.

### **SWOT ТАҲЛИЛИ**

#### **Хизмат кўрсатиш фаолиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Афзалликлар (Strengths)	Заифликлар (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Нархнинг нисбатан пастлиги.</li> <li>✓ Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик</li> <li>✓ Рақобатбардошлилик</li> <li>✓ Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Ташқи омилларга таъсирчанлик</li> <li>✓ Харидорлар ишончини кўникмасини шакллантиришда юзага келадиган қийинчиликлар</li> <li>✓ Дастлабки босқичда қаттиқ рақобатга таъсирчанлик</li> </ul>
Имкониятлар (Opportunities)	Тусиқлар (Treats)
<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Четдан қушимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги</li> <li>✓ Нарх эгилувчанлигидан (камайтириш ва кўпайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш ва. х.к.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Юзага келиши мумкин бўлган фирром рақобат</li> <li>✓ Дастлабки вақтда хизмат кўрсатишни ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар.</li> <li>✓ Ва. х. к..</li> </ul>

## **ИШЧИ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ**

### **ЛОЙИХАНИНГ ИШЧИ РЕСУРСЛАРИ ЭҲТИЁЖИ**

Ушбу лойиханинг ишчи кучига ва ходимларга булган талаби 7 кишини ташкил килади. Ишчиларининг иш вакти 12 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 21:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача) иш вакти ҳисобида булади. Ишчи кучи учун туланадиган иш хаки бир йилда 7 кишига 84 000 000 сумни ташкил килади.

Лавозими	Сони	Урта ҳисобда ойлик маош	Жами бир ойлик харажат	Жами биринчи йиллик
Директор	1	1 200 000	1 200 000	14 400 000
Ишчи ходимлар	5	1 000 000	5 000 000	60 000 000
Қоровул	1	800 000	800 000	9 600 000
<b>Жами</b>	<b>7</b>		<b>7 000 000</b>	<b>84 000 000</b>

Корхона фаолиятини ташкиллаштириши натижасида жами 7 та янги иш ўрни яратишни режалаштирган бўлиб, фаолият ташкиллаштирилгандан кейин ишчи ва ходимларга йилига жами **84 000 000** сўм маош тўлашни режалаштирган. Бу эса ҳудуд аҳолисининг ижтимоий аҳволи яхшиланишига ўз ҳиссасини қўшади.

#### Умумий иш ҳақи (ажратма билан ҳисобланганда)

Номланиши	1 ой	1 йил
Иш ҳақи	7 000 000	84 000 000
Иш ҳақидан 12 % ажратма	840 000	10 080 000
<b>ЖАМИ:</b>	<b>7 840 000</b>	<b>94 080 000</b>

#### СОЛИКЛАР ВА БОШКА ЙИГИМЛАР

Лойихага асосан солиқ туловлари асосан икки турда булиб, бири ишчилар иш ҳақидан солиқ туловлари ва иккинчиси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланганлик учун ягона солиқ туловидан иборат. Барча солиқ туловларининг ҳисоби молиявий булимда келтирилган.

Тулов тури	Сумма 1 ойга	Сумма 1 йилга
Даромад солиғи (ишчиларнинг иш ҳақиға нисбатан)12%	840 000	10 080 000
Ягона солиқ тўлови 4%	1 366 666	16 400 000
Фойда солиғи 12%	202 400	2 428 800
<b>Жами:</b>	<b>2 409 066</b>	<b>28 908 800</b>

Тадбиркор биринчи йилда **28 908 800** сўм маблағ давлат бюджетига солиқ сифатида тўловни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

## ЛОЙИХАНИНГ ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБИ

Лойиҳани Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Р.Ҳамраев маҳалласи ҳудудида ташкил этиш кўзда тутилиб, барча коммунал тармоқларга уланишга қулай бўлиб, келажакда сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар амалга оширилади. Комплексида электр тармоғи ва иситиш тизимлари қуёш батареялари асосида таҳминланади. Бунда маҳаллий аҳолини электр тармоғи билан доимий узилишларсиз таъминлаш назарда тутилган. Қурилиши режалаштирилаган ушбу комплексида транспортлар катнови йулга куйишга қулай жойда жойлашади. Хизмат кўрсатиш учун электр энергияси, газ ва сув таъминотидан фойдаланилади. Бунда коммунал харажатлар уртача йиллик **74 280 000** сумни ташкил қилади.

№	Номланиши	Ўл. бир	Нархи	Ойлик харажат	1 ойда	1 йилда
1	Электр энергияси	Квт	1 000	550	550 000	6 600 000
2	Сув таъминоти	Куб м.	1 200	4 700	5 640 000	67 680 000
<b>Жами:</b>					<b>6 190 000</b>	<b>74 280 000</b>

## ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

### КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ

Номланиши	Бир йиллик
Туяқуш ем харажатлари	40 000 000
Дорилаш, минерал ва ўғитлаш харажатлари	62 500 000
Операцион харажатлар	37 000 000
Реклама харажатлари	18 760 000
Бошқа кўзда тутилмаган харажатлар	41 740 000
<b>Жами:</b>	<b>200 000 000</b>

Корхона фаолияти давомида бир йилда жами **200 000 000** сўмлик харажатларни амалга оширишни кўзда тутлади.

## КОРХОНАНИНГ БИР ЙИЛЛИК ТУШУМИ

Лойиҳа тўртинчи йилга келиб тўлиқ 100 % қувватда маҳсулот етиштирилади. Бунда етиштирилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушумини ҳисоб китоб қилиб чиқамиз.

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлик нархи	Умумий қиймати
Туяқуш гўшти	Кг	1600	100 000	160 000 000
Олма	Кг	35 000	10 000	350 000 000
Узум	Кг	15 000	10 000	150 000 000
Ёғоч	Куб	1000	2 600 000	2 600 000 000
<b>Жами тушган тушум:</b>				<b>3 260 000 000</b>

Бунда корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушум тўртинчи йилга келиб, 3 260 000 000 сўмни ташкил этади.

## КОРХОНАНИНГ СОФ ФОЙДА ҲИСОБ-КИТОБИ

Номланиши	1-йилда	2-йилда	3-йилда	4-йилда
Корхонанинг тушган тушуми	410 000 000	510 000 000	585 000 000	3 260 000 000
Корхона харажатлари	200 000 000	220 000 000	230 000 000	240 000 000
Маош харажатлари	84 000 000	92 400 000	96 600 000	100 800 000
Коммунал харажатлар	74 280 000	81 708 000	85 422 000	89 136 000
<b>Ялпи даромад</b>	<b>51 720 000</b>	<b>115 892 000</b>	<b>172 978 000</b>	<b>2 830 064 000</b>
Иш ҳақидан ажратма 12%	10 080 000	11 088 000	11 592 000	12 096 000
Ягона солиқ тўлови (4 %)	16 400 000	20 400 000	23 400 000	130 400 000

Амортизация	5 000 000	5 000 000	5 000 000	5 000 000
<b>Солиқ солгунга қадар соф фойда</b>	<b>20 240 000</b>	<b>79 404 000</b>	<b>132 986 000</b>	<b>2 682 568 000</b>
Фойда солиғи 12%	2 428 800	9 528 480	15 958 320	321 908 160
<b>Соф фойда</b>	<b>17 811 200</b>	<b>69 875 520</b>	<b>117 027 680</b>	<b>2 360 659 840</b>

Корхона маҳсулот етиштириш фаолиятини амалга ошириши давомида биринчи йилда 17 811 200 сўм соф фойда қилишни режалаштирган, бу режалар энг кам даромад ва энг кўп ҳаражат тахминлари асосида ҳисобланган бўлиб, корхона амалда янада кўпроқ соф фойда кўришни режалаштирган.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрдаги “Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги **972-сонли қарорини** амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғоялар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Фермер хўжалиги раиси **Хамидова Дилором Зубайдуллаевна** томонидан лойиҳа суммасини шахсий маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

- Кўзаланган лойиҳа асосида аҳолига юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, **7 та** янги иш ўрни яратилади.

- Ходимларининг бир йилда иш ҳақи **84 000 000** сўмни ташкил этади

- Давлат бюджетига тўрт йилда **585 279 760** сўм бюджет тўловлари тўланади.

- Етиштирилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушумлар тўрт йилда **4 765 000 000** сўмни ташкил этади.

Ташаббускор тўрт йилда **2 565 374 240** сўм соф фойда қилади.

Корхона фаолияти даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни курсатмоқдаги лойиҳанинг соф рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда ўртача **53,8%** ни ташкил қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиҳа тижорий самарадор, барқарор деб баҳоланади, аҳолини иш билан таъминланиш



даражаси ошади, бир қанча оиланинг ижтимоий ахволи яхшиланади ва фаолиятни амалга ошириш учун ер майдони ажратилиши муҳим ва мулжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги қўриқиб турибди.

Бу турдаги фаолиятни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиқ бериб, ҳудуднинг иқтисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз ҳиссасини қўшади.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Раиси \_\_\_\_\_ .\_.\_. (имзо) \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й.

